

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ ОЛМОС ИКРОМ ЎҒЛИ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР**  
**ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Очилов Олмос Икром ўғли**

Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини  
такомиллаштириш.....3

**Очилов Олмос Икром угли**

Совершенствование учета и анализа инвестиций в хозяйствующих  
субъектов.....27

**Ochilov Olmos Ikrom ugli**

Improving the accounting and analysis of investments in business entities .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ОЧИЛОВ ОЛМОС ИКРОМ ЎҒЛИ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР**  
**ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt526 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исроилов Боходир Ибрагимович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Абдуганур Каримович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 08 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1069 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «12» 08 кuni тарқатилди.  
(2021 йил «12» 08 даги 25 рақамли реестр баённомаси.)



Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т.Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д.

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кечаётган COVID-19 пандемияси дунё мамлакатларида ялпи ички маҳсулот микдорини камайиши билан бирга иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ҳам кескин даражада пасайишига сабаб бўлди. Хусусан, «2020 йилда дунё бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 859 млрд. долларни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 42% га камайди ва сўнгги 30 йилликдаги энг юқори пасайиш кузатилди»<sup>1</sup>. Ушбу ҳолат глобал иқтисодиётда рўй бераётган инқирозлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида инвестицияларга бўлган талабни кескин ошириш ҳамда инвестициялардан янада оқилона фойдаланишни тақазо этмоқда. Шунингдек, дунё иқтисодиёти ривожланиш тенденциялари таҳлили инсон капиталини ривожлантириш ва унга инвестицияларни кенг жалб қилиш долзарб масалалардан бири сифатида намоён бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, ҳозирда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг халқаро амалиётида инвестициялар, хусусан, инсон капиталига қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатида тан олинишига ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилишига катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, инвестициялар, жумладан инсон капиталига қилинган инвестициялар ҳисобини халқаро стандартлар талаблари ҳамда умумэътироф этилган тадқиқот натижалари асосида ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолаш барча мамлакатлар ҳисоб тизими учун долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда глобаллашув жараёнларини янада чуқурлаштириш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар инвестицияларини, хусусан инсон капиталига қилинган ва молиявий активлар таркибига кирувчи инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида таснифлаш, тан олиш, баҳолаш, ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш тартиби каби жиҳатларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Жаҳон банкининг «Халқлар бойлигининг ўзгариши 2018» ҳисоботида инсон капиталига «тараққиёт драйвери»<sup>2</sup> деб эътироф этилган. Шу боис, инвестицияларни таснифлаш ва ҳисобини юритишда уларнинг молиявий-иқтисодий мазмунига мослигини таъминлаш, корхонанинг инвестициялари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни тизимли равишда шакллантириш, инсон капиталига қилинган инвестицияларни тан олиш, баҳолаш, ҳисобга олиш ҳамда молиявий ҳисоботларда улар тўғрисидаги ахборотларни очиқ бериш каби жиҳатлар замонавий илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва капитал инвестициялари ҳисобининг методологик асослари

<sup>1</sup><https://researchfdi.com/foreign-direct-investment-2021-global/>

<sup>2</sup> Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. *The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future*. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6.

ишлаб чиқилган. Шу билан бирга инвестицияларга оид мавжуд миллий стандартларни уларнинг барча турлари ва жиҳатларини тўлиқ акс эттирган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Аммо, молиявий ва капитал инвестицияларнинг миллий ҳисоб қонунчилигида турлича талқин қилинганлиги, инсон капиталига қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тан олиш, баҳолаш, ҳисобини юритишда муаммоларнинг мавжудлиги, шунингдек, инвестицияларга оид ахборотларнинг ёритилиши халқаро стандартлар талабларига мос эмаслиги молиявий ҳисоботларнинг уйғунлиги, ишончлилиги ва оммабоплигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боисдан, инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида молиявий, капитал ва инсон капиталига қилинган инвестициялар гуруҳлари бўйича таснифлаш асосида уларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва таҳлили услубиётини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш зарурати мазкур йўналишдаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 июлдаги ПФ-6264-сон «Ўзбекистон Республикаси Стратегик ривожланиш агентлигини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон «Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестицияларнинг мазмуни,

иктисодий ўсишдаги ўрни, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий ва методологик жиҳатлари хорижий олимлар Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бэйли., Зви Бодие, Алекс Кейн, Алан Ж.Маркус, К.Р.Субраманиям, А.Д.Шеремет, Г.В.Савицкая, А.В.Гошунова, В.Н.Жигалова, Е.В.Филатова, Н.М.Королюк, Н.А. Лесневская ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган <sup>3</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.З.Авлоқулов, О.Т.Астанақулов, Б.Ф.Боронов, Р.Д.Дусмуратов, О.Жўраев, А.К.Ибрагимов, Ш.И.Илхамов, А.А.Каримов, З.У.Мухаммадиев, М.К.Пардаев, А.Х.Пардаев, М.Э.Пўлатов, М.Ю.Рахимов, Н.К.Ризаев, С.Н.Ташназаров, А.Ж.Туйчиев, А.Х.Худайбердиев, С.Р.Эгамбердиева, К.Б.Ўразов ва бошқалар инвестициялар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг айрим йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб боришган.<sup>4</sup>

---

<sup>3</sup>Уильям Ф. Шарп, Гордон Дж. Александер, Джеффри В. Бэйли. Инвестиции. Учебник.—М.: ИНФРА-М, 2001.- 1035 с.; Bodie, Zvi.Investments / Zvi Bodie, Alex Kane, Alan J. Marcus. —9th ed.p. cm.—(The McGraw-Hill/Irwin series in finance, insurance and real estate), 2011. P.994; Subramanyam K.R. Financial statements analysis. 11<sup>th</sup> edition. —New York, “McGraw-Hill Education”, 2014.—P.701; Шеремет А.Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: учебник/А.Д.Шеремет. —2-е изд., доп.—М.: ИНФРА-М, 2017. —374 с.; Савицкая Г.В. Экономический анализ: учебник/Г.В.Савицкая.—14-е изд., перераб. и доп. — М.: ИНФРА-М, 2017. —649 с.; Чернов В.А. Инвестиционный анализ: учебник/В.А.Чернов —2-е изд., доп.—М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. —159 с.; Гошунова А.В. Учет инвестиций в человеческий капитал в профессиональных спортивных организациях. Дисс. К.э.н., Казань, 2014.-240 с. Жигалова В.Н. Инвестиции в человеческий капитал. Учебное пособие.—Томск, 2018.—97 с.; Филатова Е.В. Инвестиции в человеческий капитал на предприятиях малого бизнеса. Автореферат дисс. к.э.н., Москва, 2010. -27 с.; Королюк Н.М. Облік і контроль у системі управління людським капіталом підприємства: методика та організація: Автореф. ...кандидата екон. наук: 08.00.09 / Королюк Наталія Михайлівна. — Київ, 2010. — 18 с.; Лесневская Н.А. Развитие методика бухгалтерского учета вложений в воспроизводство человеческого капитала // Бухгалтерский учет и анализ. 2009. №7. С. 32-40.

<sup>4</sup>Авлоқулов А.З. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида инвестицион мулк ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Монография. —Т.: Тошкент Молия институти, 2008. 160 б.; Астанақулов О.Т. Корхоналар инвестиция фаолияти таҳлили методологиясини такомиллаштириш.—Т.: ТМИ, иқтисодий фанлари доктори диссертацияси, 2020, 225 б.; Боронов Б.Ф. Корхоналар молиявий активлари ҳисобини такомиллаштириш. —Т.: ТМИ, иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2021, 150 б.; Дусмуратов Р.Д., Тулаев У.И. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари. —Т.: «Extremum-Press», 2012, -144 б.; Жўраев О. Молиявий инвестициялар ва улардан олинадиган молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш.—Т.: ЎзР БМА, номзодлик диссертацияси автореферати, 2005. — 22 б.; Ибрагимов А.К., Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Ўзбекистон, 1999. — 144 б.; Илхамов Ш. Инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. —Т.: ЎзР БМА, номзодлик диссертацияси автореферати, 2005. — 22 б.; Мухаммадиев З.У. Корхоналарда модернизация жараёнлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. и.ф.ф.д.(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.—Тошкент, 2021.-58 б.; Пардаев М. Қ., Холиқулов А.Н., Жумаева Г. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. — Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2019. - 234 бет.; Пардаев А.Х., Пардаева З.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. —Т.: «Иқтисод-Молия». 2019 й. -538 б.; Пўлатов М.Э. Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.—Т.: «АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ» ДУК, 2017. 66 б.; Рахимов М.Ю. Иқтисодий субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. —Т.: Иқтисод-молия. 2015.-356 б.; Ризаев Н.К. Внедрение международных стандартов (МСФО) в финансовых отчётах банков. Материалы МНПК «Актуальные вопросы совершенствования системы учета, анализа и аудита в организациях». 13 февраля 2014 г., ст. 207-211.; Ташназаров С.Н. Иқтисодий модернизациялар шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. —Т.: «Наврўз» нашриёти, 2016 й.-296 б.; Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари. Диссертация. и.ф.д. —Тошкент. 2011. 71-б.; Худайбердиев А.Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилининг такомиллаштириш. —Т.: ЎзР БМА, номзодлик диссертацияси автореферати, 2005. — 22 б.; Эгамбердиева С.Р. Капитал қўйилмалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. —Т.: ЎзР БМА, номзодлик диссертацияси автореферати, 2006. — 22 б.; Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортилиши. —Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 2003. -168 б.

Ушбу олимлар тадқиқотларида инвестицияларни бухгалтерия ҳисобида таснифлаш, тавсифлаш, тан олиш, баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш масалалари асосан молиявий ва капитал инвестициялар кесимида тадқиқ этилган. Инвестициялар таҳлили эса асосан инвестиция лойиҳалари ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилишга қаратилган. Бирок, инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги комплекс талқини, уларни ушбу жиҳатдан таҳлил қилиш йўллари аксарият ишларда етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу ўз навбатида, ушбу мавзуда илмий-тадқиқот олиб бориш, шунингдек, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-2019062030 «Хўжалик юритувчи субъектлар кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг скоринг моделини яратиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

миллий ва халқаро стандартлар талаблари ва молиявий муносабатлар мазмунидан келиб чиқиб «инвестициялар» тушунчасининг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги такомиллашган таърифи, тавсифи ва таснифини ишлаб чиқиш;

инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобидаги таснифига асосан уларни таҳлил қилишнинг назарий, ташкилий ва услубий асосларини тадқиқ этиш;

молиявий ва капитал инвестицияларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш орқали мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бериш;

халқаро тажрибалар асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг инсон капиталига қилган инвестицияларини бухгалтерия ҳисобининг янги объекти сифатида тан олиш, уларнинг ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартибини ишлаб чиқиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботларда очиб беришнинг услубий тартибини ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектлар инвестицияларини молиявий, капитал ва инсон капиталига инвестициялар турлари бўйича таҳлил қилиш услубиётини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамиз саноат тармоғида фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларининг инвестициялари ҳисоби ва ҳисоботи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хўжалик юритувчи субъектлар инвестициялари ҳисоби ва таҳлилни ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, таҳлил



ва синтез, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, SWOT-таҳлили, PEST-таҳлили, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий ва иқтисодий-математик усуллари, дисконтлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

инвестицияларга оид ахборотлар шаффофлигини оширишда молиявий ҳисобот таркибига «инвестициялар тўғрисида йиғма ахборотлар», «молиявий инвестициялар тўғрисида ахборот», «капитал инвестициялар тўғрисида ахборот», «инсон капиталига қилинган инвестициялар тўғрисида ахборот», «инвестицияларга оид пул оқимлари тўғрисида ахборот» номли махсус шаклларни илова сифатида киритиш таклиф этилган;

ҳисоб-сиёсатига «инсон капиталига узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар», «инсон капиталига қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар» ва «инсон капиталига қилинган жорий харажатлар» номли синтетик счётларни киритиш орқали инсон капиталига қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш таклиф этилган;

инвестициялар сифатини баҳолашда даромадлиликка кўшимча ликвидлилик ва риск даражаси бўйича мезонларни киритишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

инсон капиталига қилинган инвестицияларни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига «касб-ҳунарга ўқитилган», «даволанган», «яшаш шароитини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар қилинган» ходимлар сони ҳамда «инсон капиталига қилинган мажбурий харажатлар» кўрсаткичларини киритиш таклиф этилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ҳисоб сиёсатига хўжалик юритувчи субъектлар инвестицияларини уларнинг молиявий, капитал ва инсон капиталига инвестициялар турлари бўйича хусусий таърифлари ва таркибий элементларини киритиш орқали ҳисоб объекти сифатида талқин қилиш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботнинг тизимли ахборотларни шакллантириш ва тақдим қилиш имкониятини оширган;

қарзга оид қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги тафовутларни харид вақтида алоҳида счётда акс эттириш ҳамда уларнинг қопланиш муддатига қадар молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва харажатлари таркибига ўтказишда билвосита усулни қўллаш таклиф қилинган;

инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботлар ва уларнинг иловаларида молиявий, капитал ва инсон капиталига инвестициялар ҳамда уларга доир пул оқимлари бўйича акс эттириш орқали миллий ҳисобот тизими халқаро стандартлар ва хорижий инвесторлар талабларига мослаштириш таклиф этилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг актив сифатида эътироф этилган инвестициялари сифатини баҳолаш мезонларини қўллаш орқали инвестициялар самарадорлигини ошириш ва инвестиция сиёсати натижадорлигини таъминлаш асосланган;

инвестициялар таҳлилини молиявий, капитал ва инсон капиталига қилинган инвестициялар йўналишлари бўйича тайёргарлик, асосий ва яқунловчи босқичлардан иборат кетма-кетлиги ҳамда режаси ва дастурини тузиш орқали ташкилий-услубий жиҳатдан такомиллаштирилган;

инсон капиталига инвестицияларни «мақсад (purpose)-фаолият (performance)-фойдалилик (profitability)» алоқадорлигидаги таҳлилининг «3 P» модели ишлаб чиқилган;

инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичлари ўзгаришига таъсир этувчи стохастик боғлиқликдаги омилларни PEST-таҳлилини қўллаш орқали сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик гуруҳларга таснифлаш асосида инвестиция қарорларини қабул қилиш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган усул ва ёндашувларнинг халқаро миқёсда тан олинганлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва статистик маълумотларининг расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотларнинг тасдиқланган молиявий ва статистик ҳисоботларидан олинганлиги, таклиф ва тавсияларнинг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришда фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар хўжалик юритувчи субъектларда инвестицияларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш ҳамда уларга доир молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан республикамизнинг турли тармоқ ва соҳаларига кирувчи хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялари ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш, ички назоратини такомиллаштиришга қаратилган истиқболли бизнес стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

инвестицияларга оид ахборотлар шаффофлигини оширишда молиявий ҳисобот таркибига «инвестициялар тўғрисида йиғма ахборотлар», «молиявий инвестициялар тўғрисида ахборот», «капитал инвестициялар тўғрисида ахборот», «инсон капиталига қилинган инвестициялар тўғрисида ахборот», «инвестицияларга оид пул оқимлари тўғрисида ахборот» номли махсус шаклларни илова сифатида киритиш тўғрисидаги таклифи «Турон-Ҳожели» АЖнинг 2020 йил 28 декабрдаги умумий йиғилишида (37-сон баённома) муҳокама қилинган ва унга асосан Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 1-сон БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 15-банди талабларидан келиб чиқиб корхонанинг 38-сон буйруғи билан молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни очиқ берувчи

махсус шакллар тасдиқланган («Турон Хожели» АЖнинг 2020 йил 28 декабрдаги 286-А сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида молиявий ҳисоботлардаги инвестицияларга оид ахборотларнинг ишончилиги, тушунарлилиги ва оммабоплиги таъминланган;

ҳисоб-сиёсатига «Инсон капиталига узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар», «Инсон капиталига қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар» ва «Инсон капиталига қилинган жорий харажатлар» номли синтетик счётларни киритиш орқали инсон капиталига қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги тизимидаги корхоналар, «Турон Хожели» АЖ, «Ғиждувон пахта тозалаш» АЖ ва «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖлари ҳисоб сиёсатига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 24 июндаги 02-10/2239-сон, «Турон Хожели» АЖнинг 2020 йил 28 декабрдаги 286-А сон, «Ғиждувон пахта тозалаш» АЖнинг 2021 йил 21 майдаги 91/03-сон ва «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖнинг 2021 йил 21 майдаги 10/542-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши инсон капиталига қилинаётган инвестицияларни уларнинг мазмуни, шаклланиш муддатлари ҳамда таркибий тузилиши бўйича ҳисобга олиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш орқали самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилган. Шунингдек, ходимлар кесимида инсон капиталига қилинган инвестициялар бўйича ахборотлар базасининг яратилиши орқали ушбу инвестициялар самарадорлигини таъминлаш бўйича ички назоратнинг кучайиши натижасида «Каттақўрғон ёғ-мой» АЖда малака ошириш ва қайта тайёрланишига инвестиция қилинган ходимларнинг меҳнат унумдорлигини 8 фоизга ўсиши таъминланган;

инвестициялар сифатини баҳолашда даромадлиликка қўшимча ликвидлик ва риск даражаси бўйича мезонларни киритиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, «Турон Хожели» АЖ, «Ғиждувон пахта тозалаш» АЖ ва «Самарқанд Парранда» АЖлар томонидан активлар сифатини баҳолашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Алкогол ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 24 июндаги 02-10/2239-сон, «Турон Хожели» АЖнинг 2020 йил 28 декабрдаги 286-А сон, «Ғиждувон пахта тозалаш» АЖнинг 2021 йил 21 майдаги 91/03-сон ва «Самарқанд Парранда» АЖнинг 2020 йил 12 июндаги 78/1-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида инвестициялар сифатини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконияти яратилган. Инвестициялар сифати таҳлили ва уни баҳолаш тизимининг жорий қилиниши сабабли инвестиция сиёсатининг такомиллашуви натижасида «Ғиждувон пахта тозалаш» АЖнинг 1,4 млрд. сўмлик узоқ муддатли инвестицияларини даромадлилиги бўйича «қоникарли»

ва ликвидлиги бўйича «юқори ликвидли» тоифага ўтказилишига эришилган;

инсон капиталига қилинган инвестицияларни ифодаловчи кўрсаткичлар таркибига «касб-хунарга ўқитилган», «даволанган», «яшаш шароитини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар қилинган» ходимлар сони ҳамда «инсон капиталига қилинган мажбурий харажатлар» кўрсаткичларини киритиш таклифи «Турон Хожели» АЖнинг «Молия-хўжалик фаолияти таҳлили ва фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонлари»га киритилган («Турон Хожели» АЖнинг 2020 йил 28 декабрдаги 286-А сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилган. Шунингдек, инсон капиталига қилинган инвестицияларни бошқариш жараёнида зарур бўладиган ишончли, таҳлилий ва тезкор ахборотлар базасини уларнинг турлари бўйича шакллантириш имконини берган. Ушбу таклифни амалиётга қўлланиши натижасида «Турон Хожели» АЖда 2018-2019 йилларда инсон капиталига йўналтирилган инвестициялар ҳисобига ходимлар меҳнат унумдорлиги 2020 йилда 14 фоизга ўсган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 8 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан 1 та монография, 1 та илмий-услубий рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, шундан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 152 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида фаол инвестиция сиёсати шароитида инвестициялар ҳисоби ва таҳлилининг зарурати, мақсад ва вазифалари, инвестицияларнинг бухгалтерия

ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи ва таснифи, инвестициялар таҳлилининг назарий, услубий ва ташкилий масалалари тадқиқ қилинган.

Миллий иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни кенг жалб қилиш, қулай инвестиция муҳитини барпо этиш, ички ва ташқи молиявий манбалардан самарали фойдаланиш муҳим вазифаларга киради. Жумладан, тараққиётимизнинг сўнгги беш йилдаги янги йўналишларини белгилаб берувчи Ҳаракатлар стратегиясида ҳам «ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш» ва «халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш»<sup>5</sup> устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шу боис, бугунги кунда мамлакатимизда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва республикада қулай инвестиция муҳитини яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Иқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда иқтисодий ўсиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади. ...Шу билан бирга, инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш керак.»<sup>6</sup> деб таъкидланган. Шундай экан, ҳар қандай ўсиш ва самарадорликка эришиш бевосита инвестицияларга боғлиқдир. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда инвестициялар ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам ҳуқуқий ҳам амалий жиҳатдан янада сезиларли даражада оширилди. Айниқса, олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати натижасида сўнгги йилларда республикамизда инвестициялар оқими динамикаси бўйича ижобий ўсиш кузатилмоқда. 2020 йилда коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёда юз берган иқтисодий пасайиш ва инқироз шароитида ҳам республикамизда инвестициялар ҳажми 2016 йилга қараганда 4 баробар ошганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг энг муҳим ва асосий субъекти ҳисобланади ҳамда ушбу фаолият натижасида юзага келадиган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш бўйича бир қатор мавжуд илмий-назарий, услубий ва амалий муаммолар мавжуд. Бу эса хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва таҳлилининг назарий, услубий, ташкилий ҳамда амалий жиҳатларини такомиллаштиришни талаб этади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ муаммоларни қуйидагича тизимлаштирилди (1-жадвал).

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, ПФ-4947.

<sup>6</sup><https://president.uz/uz/lists/view/4057> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабр.

Инвестициялар ҳисоби муаммолари ва уларнинг тавсифи<sup>7</sup>

№	Муаммо таснифи	Муаммо тавсифи
1.	Инвестициялар ҳисобини тартибга солувчи ҳуқуқий муаммолар	Инвестициялар ҳисоби тўғрисидаги норматив ҳужжатларда ўзаро номувофиқликларнинг мавжудлиги, миллий ва халқаро стандартлардаги тафовутлар, инвестициялар ҳисобини ташкил этиш тартибини белгиловчи низом (йўриқнома)ларнинг етишмаслиги.
2.	Инвестициялар ҳисобининг назарий муаммолари	Инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида тан олиш масалаларининг етарлича очиб берилмаганлиги, инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби нуқтаи назардан таснифлаш муаммолари, жумладан, корхонага киритилган инвестициялар тўғрисида ҳисоб маълумотларини олишнинг мураккаб ва чалкашлиги, криптовалюталар ва инсон капиталига киритилган инвестициялар ҳисоби масалалари тадқиқ этилмаганлиги.
3.	Инвестициялар ҳисобининг услубий муаммолари	Инвестициялар билан боғлиқ хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш, айниқса, моддий ва номоддий активлар билан киритилган инвестициялар ва ушбу жараёнларни солиққа тортилиши нуқтаи назаридан бухгалтерия ҳисоби ёзувларини ҳамда реинвестициялаш жараёнларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишида ягона услубий кўрсатмаларнинг мавжуд эмаслиги.
4.	Инвестициялар ҳисобининг амалий муаммолари	Инвестицияларга оид жараёнларни ҳужжатлаштириш, ҳужжатлар айланувини ташкил этиш, инвестицияларнинг аналитик ҳисобини ташкил этиш, инвестициялардан олинadиган даромадларни тан олиш ва улар тўғрисидаги ахборотларни молиявий ҳисоботда акс эттиришда ноаниқликларнинг мавжудлиги.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш орқали инвестициялар ҳисоби муаммолари қисман бартараф этилсада, аммо назарий ва услубий муаммолар алоҳида тадқиқотлар орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Бундан ташқари, инвестициялар ҳисоби муаммоларининг тадқиқ этилиши инвестициялар таҳлилининг ҳам янги йўналишларини очиб беради.

Амалдаги тартиб бўйича хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида асосан қуйидаги икки гуруҳга бўлинади: молиявий инвестициялар ва капитал қўйилмалар. Бироқ, амалиётда инвестицияларнинг яна бир муҳим тури ҳисобланган инсон капиталига инвестициялар бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида эътироф этилмасдан қолмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, молиявий ва ижтимоий турларга бўлинади. «Инсон салоҳиятини, кўникмаларини ва ишлаб чиқариш тажрибасини ривожлантиришга, шунингдек номоддий бойликларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга киритиладиган инвестициялар ижтимоий инвестициялар жумласига киради».<sup>8</sup> Демак, инсон капиталига инвестиция киритиш мумкин ва у инвестициялаш объекти бўла олади. Шу боисдан, диссертация ишида инсон капиталига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобининг янги объектларидан бири эканлиги асосланилиб, уни ҳисобга олиш услубиёти очиб берилди.

Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги турлари алоҳида тадқиқ қилиниб, илмий, ўқув ва амалий манбалар ҳамда норматив-

<sup>7</sup>Тадқиқотлар асосда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 2019 йил, 25 декабр, ЎРҚ-598-сон. <https://www.lex.uz/docs/4664142>

ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифлар ва изоҳларни (шунингдек, МҲҲСлари талаблари) таҳлил қилган ҳолда уларнинг моҳияти очиб берилди. Шунингдек, молиявий ва капитал инвестициялар, инсон капиталига инвестицияларга хусусий таърифлари ишлаб чиқилиб, улар асосида хўжалик юритувчи субъектлар инвестицияларига бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида қуйидагича умумий таъриф берилди: *хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициялари деганда иқтисодий-ижтимоий наф олиш мақсадида маълум муддатга таваккалчилик асосида йўналтирилган капитал ва молиявий инвестициялари, шунингдек, инсон капиталига қилинган инвестициялари тушунилади. Ушбу таърифлардан келиб чиқиб, тадқиқотлар натижасида инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги умумий таснифини қуйидагича ифодалаш таклиф этилди (1-расм).*




**1-расм. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги умумий таснифи<sup>9</sup>**

Тадқиқотлар натижасида таклиф этилган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги хусусий ва умумий таснифлари ва таснифлари хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботда акс эттириш бўйича инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, миллий ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари талабларига мос келади ҳамда ахборот фойдаланувчиларнинг инвестицияларга оид ахборотларга бўлган эҳтиёжларини етарлича қондириш имконини беради деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, илмий адабиётларларда инвестициялар таҳлиliga ёндашувлар турлича бўлиб, уларда инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш орқали бошқарув қарорларини қабул қилиш марказий ўрин тутаяди. Аммо, корхона мулки таркибида бўлган капитал, молиявий ва ижтимоий инвестицияларнинг иқтисодий таҳлили масалалари етарлича тадқиқ этилмасдан қолмоқда. Шу боисдан инвестициялар таҳлилининг асосий йўналишлари ва уларнинг элементларини қуйидагича изоҳлашга ҳаракат қилдик (2-расм).

<sup>9</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



**2-расм. Инвестициялар таҳлилининг асосий йўналишлари ва уларнинг элементлари<sup>10</sup>**

Инвестиция фаолияти нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, корхоналар инвестициялари икки гуруҳга, яъни йўналтирилган ва жалб қилинган инвестицияларга бўлинади. Ушбу гуруҳлар асосида таҳлилни амалга ошириш инвестициялар таҳлилининг муҳим йўналишлари сифатида белгилаб олинди. Ҳар икки йўналишда ҳам асосий эътибор инвестиция лойиҳасига қаратилганлиги боис, инвестиция лойиҳалари таҳлилини ҳам инвестициялар таҳлилининг асосий йўналиши сифатида белгилашни лозим топдик.


Иқтисодий таҳлил ва унинг назариясига бағишланган аксарият адабиётларда иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг ахборот таъминоти масалалари умумий жиҳатдан кенг очиб берилган. Уларнинг барчасида таҳлил ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш иқтисодий таҳлил учун умумий ҳолда назарий жиҳатдан келтирилган. Бироқ, алоҳида объектлар бўйича таҳлилни ўтказиш кетма-кетлиги, режаси ва дастури очиб берилмаган.

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида йўналтирилган инвестициялар бўйича таҳлилни амалга ошириш кетма-кетлиги тайёргарлик, асосий ва яқунловчи босқичлардан иборат бўлиши асосланди (3-расм).

Диссертация ишида ҳар бир босқич бўйича бажариладиган таҳлилий амаллар, ўрганиладиган масалалар ва усулларни қамраб олувчи инвестициялар таҳлилининг режаси ва дастури таклиф этилди.

<sup>10</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.





**3-расм. Инвестициялар таҳлилининг амалга ошириш кетма-кетлиги ва босқичлари<sup>11</sup>**

Тадқиқот ишининг «Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобида хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар ҳисобининг амалдаги ҳолати таҳлили, муаммолари ва уларнинг ечимлари, инсон капиталига қилинган инвестицияларнинг ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш халқаро стандартлар асосида инвестициялар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

Молиявий ва капитал инвестициялар ҳисобининг амалдаги ҳолати

<sup>11</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тахлили асосида молиявий ва капитал инвестицияларни иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунига мос равишда акс эттириш учун амалдаги 0600, 0960, 3220, 7210, 6210, 0800 каби счётларни молиявий ва капитал инвестицияларнинг халқаро стандартларга мос таснифи, уларнинг мазмуни ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди.

Бухгалтерия ҳисобининг янги объекти сифатида эътироф этилган инсон капиталига инвестициялар ҳисобини ёритишдан олдин инсон капиталининг ўзини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларида эришилган энг муҳим натижалари тадқиқ этилган ҳолда илмий мушоҳадалар ва тадқиқотлар асосида инсон капиталини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш илмий жиҳатдан анча мунозарали эканлиги, бу борада чуқур тадқиқотлар ўтказилиши кераклиги ва инсон капиталини пулда баҳолаш ва актив сифатида тан олиш мезонлари тўлиқ ишлаб чиқилгандан сўнг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келинди. Шунингдек, илмий адабиётларда инсон капиталини актив сифатида тан олиш, бухгалтерия ҳисоби счётларида ҳисобга олиш масалалари бўйича ҳам мунозаралар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, инсонларни шахс сифатида дастлабки қийматини шакллантириш имконияти мавжуд эмас. Шу боис, айнан корхоналар томонидан инсон капитали учун уларнинг иш қобилиятини ўстириш, билим ва кўникмасини ошириш ва бошқа шу каби харажатларни инсон капиталига қилинган инвестиция сифатида тан олиш мақсадга мувофиқ. Яъни, оила ва давлат томонидан қилинган «инвестиция»ларни корхона бухгалтерия ҳисобида ҳеч қандай шартли қиймат ёки шартнома асосидаги қийматини белгилаш мумкин эмас. Фақатгина корхона томонидан ишга қабул қилинган ёки қабул қилиниши кутилаётган ходимлари учун қилинган харажатларни инсон капиталига инвестиция сифатида тан олиш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ. Шу боисдан, инсон капиталига инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби объекти сифатидаги тавсифи ва таснифидан келиб чиқиб, уларни ҳисобга олиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати билан тасдиқланадиган ишчи счётлар режасига қуйидаги счётлар тизимини киритишни таклиф этилди (2-жадвал).

Инсон капиталига қилинган инвестициялар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш тартибини такомиллаштириш мақсадида 21-сон БҲМСга ҳам юқорида таклиф этилган таркибдаги синтетик ва аналитик счётларни киритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, тадқиқотлар натижасида ҳар бир ходим учун инсон капиталига сарфланган инвестициялар тўғрисида ахборотларни йиғиш, сақлаш, умумлаштириш ва тақдим этиш мақсадида «Инсон капиталига қилинган инвестициялар ҳисоби карточкаси» номли бошланғич ҳужжат шакли ишлаб чиқилди.

Таклиф этилаётган мазкур ҳужжат инсон капиталига қилинган инвестицияларнинг турлари, таркиби ва шартларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда бошқарув учун муҳим бўлган кенг турдаги ахборотларни йиллар ва ходимлар кесимида шакллантиришга хизмат қилади.

**Инсон капиталига инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар тизими  
бўйича таклифлар<sup>12</sup>**

Синтетик счётлар	Аналитик счётлар
<b>0700-Инсон капиталига узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар</b>	0710-Ходимларнинг ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қилинган таълимга инвестициялар
	0720- Ходимларнинг ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қилинган соғлиқни сақлашга инвестициялар
	0730- Ходимларнинг ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қилинган яшаш шароитини яхшилашга инвестициялар
	0740- Ходимларнинг ишлаш ҳуқуқини қўлга киритиш учун қилинган бошқа инвестициялар
	0750-Ходимларга имтиёзли шартлар берилган узоқ муддатли қарзлар ва кафиллик билан боғлиқ тўловлар
	0760-Ходимлар ҳаётини тиббий суғурталаш билан боғлиқ харажатлар
	0790-Инсон капиталига қилинган бошқа узоқ муддатли инвестициялар
<b>3300- Инсон капиталига қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар</b>	3310-Таълимга инвестициялар
	3320-Соғлиқни сақлашга инвестициялар
	3330- Яшаш шароитини яхшилашга инвестициялар
	3340-Инсон капиталига қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг жорий қисми
	3390-Бошқа жорий инвестициялар
<b>9440-Инсон капиталига қилинган жорий харажатлар</b>	9441-Таълим харажатлари
	9442-Соғлиқни сақлаш харажатлари
	9443- Яшаш шароитини яхшилаш харажатлари
	9444-Ходимларга қилинган мотивациялаш билан боғлиқ харажатлар
	9445-Ходимлар мобилизацияси билан боғлиқ харажатлар
	9446-Бошқа жорий харажатлар

Инсон капиталига қилинган инвестицияларни ҳисобга олиш бўйича таклиф этилган бухгалтерия ҳисоби счётларини амалиётда қўллаш қуйидаги тартибда амалга оширилади (3-жадвал).

Инсон капиталига инвестициялар билан боғлиқ хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда уларнинг ҳуқуқий жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, инсон капиталига қилинган харажатларни инвестиция сифатида тан олишнинг асосий мезони бу ходимнинг иқтисодий наф келтирадиган барча салоҳиятидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритиш ҳисобланади.

МҲХСлар молиявий ҳисоботларда акс эттириладиган ахборотларнинг сифатига нисбатан жуда катта талабларни белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, молиявий ҳисоботда тақдим этилаётган ҳар бир ахборот юқори даражада аниқликда, ишончли ва фойдали бўлиши лозим. Шу боисдан, халқаро стандартларда молиявий ҳисоботларда бухгалтерия ҳисоби объектларини очиб беришга нисбатан минимум талаблар белгиланган. Қолган ахборотлар эса молиявий ҳисоботнинг тўлиқ таркибига кирувчи қуйидаги ҳисоботларда акс эттирилиши белгиланган: «ҳисоб сиёсатининг қисқача талқини ва бошқа тушунтиришлардан иборат эслатмалар; олдинги давр учун таққослама маълумотлар; қўшимча ҳисоботлар».<sup>13</sup>

<sup>12</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган

<sup>13</sup>Учебное пособие АССАДипИФР.-Москва, Россия, 2020. 36 с. [www.training.pwc.ru](http://www.training.pwc.ru)

## 3-жадвал

Инсон капиталига қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби  
счётларида акс эттирилиши<sup>14</sup>

Т/р	Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1.	Ходимга бир йилдан ортиқ давр ишлаб бериш шарти билан таълим, соғлиқни сақлаш ва яшаш шароитларини яхшилаш ва бошқа инвестициялар амалга оширилди	0710, 0720, 0730, 0740	6990
2.	Ходимларга имтиёзли шартлар берилган узоқ муддатли қарзлар ва кафиллик билан боғлиқ тўловлар амалга оширилди	0750	5110, 5200, 5500
3.	Ходимлар ҳаётини узоқ муддатли тиббий суғурталаш билан боғлиқ харажатлар корхона ҳисобидан амалга оширилди	0760	5110, 5200, 5500
4.	Янги ишчи кучларини жалб қилиш бўйича инсон капиталига қилинган бошқа узоқ муддатли инвестициялар	0790	6990, 5110- 5530
5.	Инсон капиталига узоқ муддатли инвестицияларнинг жорий қисмига	3340	0700
6.	Инсон капиталига узоқ муддатли инвестициялар жорий қисмининг ҳисобдан чиқарилишига	9446	3340
7.	Белгиланган муддатда ишламаган ходимлар томонидан уларга қилинган инвестицияларнинг қайтарилишига: -инвестицияларнинг ҳақиқий қиймати бўйича қайтарилишига -ишлаб бериш шартига амал қилмаганлиги боис инвестициялар қайтарилаётганда белгиланган фоизларда даромадлар ҳисобланганда	5110-5530, 6710 4830	0700 9530
8.	Ҳисобот даврига тааллуқли инсон капиталига инвестициялар амалга оширилганда	3310, 3320, 3330, 3390	6990, 5110- 5530
9.	Ҳисобот даврига тааллуқли инсон капиталига инвестициялар ҳисобдан чиқарилганда	9441, 9442, 9443, 9446	3310, 3320, 3330, 3390
10.	Инсон капиталига жорий харажатлар амалга оширилганда	9440	6990, 5110- 5530

Шу боис МҲХСлар талаблари асосида инвестицияларга оид ахборотларни бухгалтерия балансида қуйидагича акс эттириш тавсия этилди (4-жадвал).

## 4-жадвал

Инвестицияларга оид ахборотларни бухгалтерия балансида акс  
эттирилиши (таклиф)<sup>15</sup>

Илова	Кўрсаткичлар номи	Ҳисбот даври бошига	Ҳисбот даври охирига
	<b>АКТИВ</b>		
	<b>I. Узоқ муддатли активлар</b>		
a)	<b>Узоқ муддати инвестициялар, жами</b>		
b)	Узоқ муддатли молиявий инвестициялар		
b)	Шу жумладан, ҳиссали қатнашиш усули бўйича ҳисобга олинган инвестициялар		
c)	Инсон капиталига қилинган узоқ муддатли инвестициялар		
d)	Капитал инвестициялар		
	<b>II. Жорий активлар</b>		
a)	<b>Қисқа муддатли инвестициялар, жами</b>		
b)	Қисқа муддатли молиявий инвестициялар		
c)	Инсон капиталига қилинган жорий инвестициялар		

Таклиф этилаётган бухгалтерия баланси шакли халқаро стандартлар

<sup>14</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>15</sup>Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

талабларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унда келтирилган илова устунида ҳар бир кўрсаткич бўйича суммалар инвестицияларнинг алоҳида турлари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида келтирилган қайси талаблар асосида очиб берилаётганлиги, шунингдек, инвестицияларнинг аналитик ҳисобда келтирилган таснифлари бўйича батафсил кўрсатиб берилади. Шунингдек, инвестицияларнинг турлари, мақсадлари, ликвидлиги ва сифати бўйича ҳам батафсил ахборотлар берилиши молиявий ҳисоботнинг оммапоблигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, корхона бошқаруви ва мулкдорлари учун инвестициялар тўғрисида серқирра ахборотлар тақдим қилиниши лозим. Шу боисдан, диссертация ишида ахборот фойдаланувчиларнинг корхона инвестициялари тўғрисида кенг кўламдаги ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва инвестицияларни бошқариш самарадорлиги ошириш мақсадида «Инвестициялар тўғрисида йиғма ахборотлар», «Молиявий инвестициялар тўғрисида ахборот», «Капитал инвестициялар тўғрисида ахборот», «Инсон капиталига қилинган инвестициялар тўғрисида ахборот», «Инвестицияларга оид пул оқимлари тўғрисида ахборот» номли молиявий ҳисоботга илова сифатида тақдим қилинадиган махсус шакллар ишлаб чиқилди. Фикримизча, таклиф этилаётган махсус шакллар хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия баланси ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботида акс эттирилган инвестицияларга оид ахборотларни тўлиқ очиб бериш ҳамда корхона инвестицияларини самарали бошқариш учун зарурий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Диссертация ишнинг учинчи боби «**Хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар таҳлили ва уни такомиллаштириш**»га бағишланган бўлиб, унда хўжалик юритувчи субъектларда капитал ва молиявий инвестициялар сифати ва самарадорлиги таҳлили, инсон капиталига қилинган инвестициялар таҳлили ҳамда инвестицияларнинг омилли таҳлили методикасини такомиллаштириш масалалари очиб берилган.

Республикамизда фаолият юритаётган саноат тармоғидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициялари ҳолати ва сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили инвестицияларни йўналтириш, улардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг сифати жиҳатдан амалиётда бир қанча номутаносибликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу боисдан, хўжалик юритувчи субъектларда актив сифатида эътироф этилган инвестициялар сифатига баҳо бериш ва шу асосда таснифлаш орқали уларни самарали бошқариш учун таҳлилий ахборотларни шакллантириш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестициялари сифатини уларнинг сақлаб туриш мақсадларида халқаро ва миллий тажрибада ўз аксини топган даромадлилик, ликвидлилик ва рисклилик каби мезонлар асосида баҳолаш зарур. Хусусан, инвестициялар портфелига эга корхоналар учун бу масала янада муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан, тадқиқотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларда инвестициялар сифатини баҳолашнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилди (4-расм).

Даромадлилиги бўйича «қониқарли» деб баҳоланадиган инвестицияларга мунтазам равишда даромад келтириб турадиган ва

олинадиган даромадларнинг даражаси банк омонати фоизларидан кам бўлмаган инвестициялар, «қониқарсиз» тоифага даромадлари амалдаги инфляция даражасидан паст бўлган ёки охириги икки йилда даромад келтирмаётган инвестициялар, «умидсиз» тоифага эса икки йилдан ортиқ муддатдан бери даромад келтирмаётган инвестициялар киритилди.



**4-расм. Хўжалик юритувчи субъектлар инвестициялари сифатини «3 Q» қондаси бўйича баҳолаш мезонлари<sup>16</sup>**

